


Амир Темур ва темурийлар замони давлатчилик сиёсати, бошкарув тизимини кўриб чикмокчи эканмиз, давлат, давлатчилик мохиятида муайян бир макон ва жамиятда мавжуд турли имкониятларни шу ерлик халк манфаати йўлида юзага чикарувчи ташкилотчилик ётганини эслатиб ўтиш гоятда мухимдир. Зеро, давлат асослари, давлатчилик хар бир жамият ва халк «бошига бир марта битилган бўлади». Шу маънода ўзбек давлатчилиги милоддан аввалги 1-мингйилликнинг биринчи ярмидан ўз тарихини бошлаб то Амир Темур давлатимиз тепасига келгунга кддар деярли 2100 йиллик тараккиёт йўлини босиб ўтганди. Бу улкан давр ичида давлатимиз бошкарувига турли сулолалар (бугунги тилда айтганда сиёсий партиялар) келиб кетди. Уларнинг фаолияти турли замонларда, турли объектив-субъектив шарт-шароитларда турлича кечди. Биз мазкур масалага ургу бераётганимизнинг бир неча сабаби бор.

Биринчидан, биз Амир Темур давлати, Темурийлар давлати каби кенг таркалган тушунчаларга каршимиз. Зеро, давлатчилик асослари ягона бўлади. Демак, Амир Темур давлати эмас, ўзбек давлатчилигининг Амир Те-мур бошкарган боскичи дейилса хар тарафлама хакикатга мос тушади.

Иккинчидан, Амир Темур давлати тушунчаси давлатчилигимизнинг хам унгача бўлган, хам ундан кейинги тараккиёт йўлини узиб кўяди (бу фикр бошка сулолавий давлатларга хам тегишли, албатта). Бу ўз ўрнида, бир томондан, тарихни сохталаштирса, иккинчи томондан, давлатчилигимиз тарихидаги боскичий жараёнлар, масалан, яна ўша Амир Темур даври мохиятини англашни кийинлаштиради. Зеро, хатто соф илмий нуктаи назардан олганда хам мушохада жараёнда кузатилгандагина тўликланади, хулоса учун имкон яралади.

Учинчидан, биз ўзбек давлатчилиги мохияти ва имкониятлари хакида канчалик сўзламайлик, агар унинг амалий ифодасининг гувохи (бугунги кун нуктаи назаридан эса курувчиси) бўлмас эканмиз, гап-гаплигича колаверади. Шу маънода Амир Темур даври давлатчилигимизнинг мохияти ва имкониятлари кўламини амалда юзага чикариб берганлиги билан хам гоятда мухимдир (албатта, ўз даври шароитида).

Шундай килиб, Амир Темур даврига кадар ўзбек давлатчилиги 2100 йиллик тараккиёт йўлини босиб ўтган экан, шунга кўра биз биринчи хулосани килишимиз мумкин. Амир Темур даври давлатчилик тизими муайян бир ўтмишга, анъаналар, тажрибалар, сабоклар, конуниятларга асосланган холда ташкил килинган. Шу ерда акли савол тугилади: бу ўтмиш йўл конуниятлари, тажрибалари, яъни давлатчилик асослари нималарда ўз аксини топганди ва Амир Темур давлатимизга рахбарлик килган йиллари уларга кандай муносабатда бўлинди? Саволни шу тарика кўйиш нихоятда мухим. Зеро, бизнинг тушунчамизда давлат арбоби, сиёсатчи салохияти (ва бундан келиб чикадиган буюклиги), энг аввало, унинг давлатчилик асосларини нечоглик теран англаб олиши ва амалда унга риоя эта билиши билан белгиланади. Бу гоятда огир вазифадир.

Ўзбек давлатчилигининг Амир Темур даврига кадар шаклланиб замонлар синовидан ўтган асослари куйидагилардир:

1. Давлат ўз вазифасини бажармоги учун, энг авва-ло, сиёсий жихатдан мустакил бўлиши керак.

2. Давлат ва жамият сиёсий яхлитлиги бузилмаслиги керак.

3. Давлат ва жамият муайян бир конунлар, тартиблар, мафкура асосида бошкарилмоги лозим.

4. Бошкарувнинг турли табакалари, йўналишлари, сохаларини мувофикгшнтириб турувчи маьлум бир тизим шаклланган бўлиши даркор.

5. Жамиятда ижтимоий-иктисодий муносабатлар ахволи (тараккиёти) давлат диккат марказида турмоги лозим.

6. Фан ва маданият равнаки тўгрисида доимий кайгуриш давлат ахамиятига молик катьий сиёсат сифатида каралмоги лозим.

7. Хар бир давр шарт-шароити, тартибларига кўра давлат жамият ички тараккиёти масалаларини ташки дунёда мавжуд омиллардан фойдаланган холда хам хал этиб бориши даркор.

8. Давлат гепасида турган кучлар ўтмиш, замона ва келажакни теран тафаккур, катъий иймон, гоятда юксак маънавиятпарварлик ва миллатпарварлик ила англамоги керак.

Мазкур саккиз асос конуният сифатида шаклланган эди. У ёки бу замонда улардан фойдаланилдими ё йўк, бу бошка масала. Бирок Амир Темурнинг ўзбек давлатилиги тарихида тутган буюк ўрни шундаки, у ўзининг бутун фаолияти мобайнида ана шу асосларни рўёбга чикара олди. Яъни 150 йиллик карамликдан сўнг давлатимиз сиёсий мустакиллигини тиклади; ўз даврида мавжуд шариат, тўро-тузуклар асосида жамият хаётини бошкаришни йўлга кўйди; марказлашган давлат тизимини яратдики, ўз замонаси учун бу дунё микёсидаги тараккийпарвар вокса хисобланганди; иктисодий муносабатлар (дехкончилик, хунармандчилик, савдо-сотик) ривожи учун барча ички ва ташки шароитларни барпо этишга каттик киришди; ижтимоий муносабатларни (солик тизими, мулкчилик, турли ижтимоий табакалар манфаатини назарга олиш ва хоказо) мухим деб билди; хукмронлигининг дастлабки кунларидан то умрининг охиригача фан ва маданият равнакига алохида диккат билан каради; ўз даври шарт-шароитига кўра ташки сиёсатда катъий ва фаол хамда максадга мувофик равишда харакат килиб, давлатни салганат мавкеига олиб чикди; ўлкани дунёнинг энг буюк сиёсий, иктисодий, маданий марказига айлантирди; асосида яккахукмронлик мазмуни ётган жамият бошкарувида биринчи рахбар кандай бўлиши кераклигини намоён этиб кетди.

Шу билан бирга Амир Темур мазкур саккиз асосни яна бир мухим — тўккизинчи асос билан бойитди. У хам бўлса, жамият ривожида барча ижтимоий табака-лар фаолиятини назарда тутиш ва манфаатларини таъминлашдан иборатдир. Амир Темур бўйича бундай та-бакалар 12 та бўлиб, уларда жамиятнинг барча таркибий кисмлари ўрин олган. Диккатга сазовор томони шундаки, тузуклар баёнида Амир Темур табиий равишда дин ва шариатни биринчи ўринда таъкидлаган холда ижтимоий табакаларга бўлган

муносабатни бошка йўналиш ва масалалардан устун кўяди. Демак, Амир Темур даврида давлатимизнинг тўккиз асоси ўз ижобий ечимини топган ва худди мана шу тўккиз асос Сохибкирон юритган давлатчилик сиёсатининг тўккиз томонини ташкил этади.

Юкорида давлатнинг сиёсий мустакиллиш ва мамлакат яхлитлиги борасида Амир Темур олиб борган фаолият билан кискача танишиб ўтдик. Куйида унинг давлат бошкаруви, давлатчилик ва харбий сиёсат борасидаги харакатларини лўнда тарзда ёритишга уриниб кўрамиз.

Чингизийларнинг ўлкадаги хукмронлиги барча сохалар тараккиётида салбий асорат колдиргани хакида сўз айтдик. Давлат бошкаруви сохаси хам бундан мустасно эмас. Умуман бошка, кўчманчи шарт-шароитда шаклланган сиёсий дунёкараш ва тарбия чингизий намояндалар учун махаллий бошкарув анъаналарини кабул этишга йўл бермасди. Шу сабабдан хам аввалги даврларда кечган давлатчилик бошкарувидаги кўп асрлик тажриба ва анъаналар чингизийлар хукмронлиги замонида амалда ўз давомийлигини топа олмади. Агар бу давр бир ярим аср кечгани назарда тутилса, шу сохадаги ахвол нечоглик огирлашиб колгани маълум бўлади. Амир Темурнинг ўзбек давлатчилиги олдида килган хизматларидан бири шундаки, у 150 йиллик узок бир давр ўтиб, шунинг орасида одатлар, аньаналарда каттадан-катга ўзгаришлар содир бўлганига карамай, кадимдан мавжуд бўлиб келган ўзбек давлатчилиги бошкарув тизимининг (биз хатто илмининг деган бўлардик) классик намуналарини кайтадан тиклай билди. Нихоятда мушкул бўлган бу вазифани у донолик билан хал эта олди.

Демак, Амир Темур даврида бошкарув икки идора: даргох ва девонларга (вазирликларга) бўлинган.

**Даргох — энг олий давлат идораси.** Унинг бошлиги хам табиий равишда давлатнинг олий хукмдори. Амир Темур давлат тепасига келгандан сўнг чингизийлардан бўлмиш Суйургатмишни хон, яъни олий хукмдор деб эълон килгани маълум. Шу билан бирга Суйургатмиш «сохта хон» мавкеида бўлиб, амалдаги хокимият Сохибкирон ихтиёрида бўлганини хам биламиз. Нима учун шундай карама - каршилик юзага келганди, саволи тугилади. Чингизийларнинг 150 йиллик хукмронлиги мамлакат хаётида катта таъсирга эга бўлганини таъкидлаган эдик. Сиёсий муносабатлар, карашлар, одатлар жамиятнинг энг кайнок сохаларидан бири сифатида янгилик ва ўзгаришларга бой бўлади. Масалан, улус бошлигининг биёбондан кароргох куришини олайлик. Мамлакатимизда асрлар давомида давлат бошлигининг кароргохи шахарларда канчалик табиий бўлиб келган бўлса, чинги-зийлар даврида, аксинча, хон биёбондаги кароргохда туриши керак, кабилидаги акида сиёсий мухитга катгик сингиб кетганди. Шунга ўхшаш ўзгаришлардан

бир канчаси мазкур бир ярим асрлик жараёнда ўз ўрнини топиб олганди. Гап уларнинг тўгри-нотўгрилигида эмас. Мухими Амир Темур давлат тепасига келган пайтда улар жамият хаётидаги вокеликни ташкил этарди. Сохибкирон буларни назарда тутмасдан иложи йўк эди. Ик кинчи томондан, 1370 йили мамлакатда Амир Темурдан бошка хам яна бир канча кудратли амирлар, уларни кўллаб-кувватловчи ижтимоий-сиёсий кучлар бор эди. Улар хам зимдан ё очикчасига мустакил сиёсат юргизиш, хатто олий тахтни эгаллаш ниятида бўлганлар. Бундай шароитда Амир Темур ўзини расман хон деб эълон килолмасди. Чунки бу ракибларга бахона бўлиб, норозилик ва хуружларга туртки бўлиши турган гап эди. Зеро, худди шу йиллар таомилига кўра сиёсий хокимият чингизийлар хонадони ихтиёрида бўлиши керак эди. Учинчи томондан, Суйургатмиш хон деб кўтарилганда хали амир Хусайн масаласи хал бўлмаганди, аникроги хал бўлиш арафасида эди. Амир Хусайн эса ўз вактида Кобилшохни (1364), сўнг Одил Султонни (1365) расман хон деб эълон килганди. Демак, Амир Темур томонидан Суйургатмишнинг хон деб эълон килиниши Одил Султон «хонлиги»ни, яъни амир Хусайн хукмдорлигини бекор этиш билан баробар хисобланарди. Хуллас, мазкур масала ўша замон вокелигидан келиб чикиб Амир Темур хокимиятини мустахкамлаш йўлида амалга оширилган. Сохибкирон учун бу пайтда мухими хам аслида шу эди.

Амир Темурнинг чингизийлардан бўлмиш Казонхоннинг кизи Сарой Мулкхонимга (1337—1408) уйланиши, яъни хон авлодига куёв (кўрагон), кариндош бўли-ши хам унинг сиёсий мавкеини расман бўлса хам мустахкамлашга хизмат килган. Бундан ташкари Чигатойхон амирларидан Карочар барлос Амир Темур авлоди эканлиги ва у ўз вактида Чигатойхон улуг амири сифатида ўлкани бошкаргани (Шомий ёзишича, гўё «Чингизхон Чигатойни Карочарга топширган») хакидаги ярим хакикат, ярим афсона хам таомилга киритилган. Ярим хакикатлиги шундаки, Чигатойнинг Карочар барлос номли мингбошиси бўлган. Аммо ишончли манбаларда унинг хон номзоди сифатида мамлакатни бошкаргани хакида сўз йўк. Шу маънода Яздий «Зафарнома»сида келтирилган Амир Темур аждодларига оид шажара гирт афсона ва тўкимадир. Зеро, унга кўра гўё Амир Темур уруги Чингизхон уруги билан амакивачча. Бу хеч бир хакикатга тўгри келмайди ва уни исботловчи бирон-бир тарихий маълумот йўк. Шунга карамай баъзи бир холларда Амир Темур шахси ва фаолиятини, демак, ўзбек халки тарихи ва маданиятини камситишга уринувчилар мазкур афсонадан «унумли» фойдаланадилар, яъни Амир Темурни Чингизхон ва мўгуллар билан боглаб кўрсатишга уринадилар.

Демак, даргох бошида амалда Амир Темур турган. Мамлакат ва давлат ахамиятидаги масалалар унинг хукми ва кўрсатмаси асосида хал этилган. Шу билан бирга даргохца вакти-вакти билан хос мажлислар ўтказилиб турилгани маълум. Бундай мажлисларда давлат ва мамлакат идораси, содир бўлаётган ўзгаришларга муносабат, мухими мансаб ва вазифаларга тайинлаш каби масалалар кўриб чикилган. Бундай тадбирлар гоятда тор доирада ўтказилиб, давлат ахамиятига молик масалаларнинг четга аён бўлишидан нихоятда сакланилган. Чунончи, махсус котиб мажлис баёнини махсус дафтарга тушириб

борган. Афтидан, кейинги мажлисда ана шу баён асосида илгари кабул килинган карорлар, турли чоралар натижалари текшириб борилган.

Амир Темурнинг даргох фаолиятини бошкариш, одамлардан унумли фойдаланиш, уларни ўз атрофига тўплаш, катта-кичик тадбирларни ташкил килиш борасида тутган йўлини «Тузуклар»даги баёнлардан яккол кўриш мумкин. Чунончи, Сохибкирон шундай ёзганди: «Салтанат ишларининг тўккиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, колган бир улуши эса килич билан бажо келтирилишини англадим. (Донишмандлар) демишларким, ўз ўрнида кўлланган тадбир билан кўплаб лашкарнинг киличи ожизлик килган хар кандай мамлакат дарвозасини очиб, фавж-фавж лашкарни енгиб бўлур. Тажрибамда кўрилганким, азми катьий, тадбиркор ва хушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир киши мингга тадбирсиз, локайд кишидан яхширокцир. Чунки тажрибали бир киши минглаб одамга иш буюради... Яна менинг тажрибамдан ўтмишким, гарчи ишнинг кандай якунланиши такдир пардаси ортида яширин бўлса хам, акли расо ва хушёр киши мулохазакорлик, тадбир ва кенгашга таяниши лозим. Шунинг учун Пайгамбаримиз Мухаммад саллоллоху алайхи васаллам айтганларидек, хар бир ишни килишга киришар эканман, аввал обдон ўйлаб, (амирларим билан) кенгашдим. Маслахатчилар ва кенгаш ахли йигилганда олдимиздаги ишларнинг яхши-ёмони, фойдаю зиён томонлари, уларни килиш-килмасликдан сўз очиб, улардан фикр сўрар  эдим. Уларнинг сўзларини эшитгач, ишнинг хар икки томонини мулохаза килиб, фойда-зиёнларини кўнгилга келтирардим. Унинг хатарли томонларига кўпрок эъти- бор берардим. Кайси бир ишда икки хатар мавжуд бўлса, уни бажаришдан воз кечардим ва бир хатарлик ишни ихтиёр этардим... Ишларимнинг барини кенгаш билан юритиб, уни битиришда тўгри тадбир кўллар эдим. Бир ишга киришмай туриб, ундан кутилиб чикиш йўлларини мўлжаллаб кўяр эдим. Уни тўгри тад-бир, катьий жазм, чинлик-чидамлик кўрсатиб, эхтиёткорлик билан узокни кўриб, ортини ўйлаган холда охирига етказардим».

Даргох фаолиятини бошкариш, унинг вазирликлар, махаллий хокимият идоралари ва умуман салтанатда кечган жараён билан богланиб туриш ишини олий де-вон олиб борган. Даргох тизимидаги бу девонга девонбеги бошчилик килган. Олий девоннинг ахамияти ва мавкеи шу кадар баланд бўлганки, манбаларда баъзан уни даргох билан бир маънода таърифлаш холлари хам кузатилади. Олий девонда хар куни тўрт вазир, яъни ижроия идораларидан бош вазир, харбий вазир, мулкчилик ва солик ишлари вазири, молия вазири хозир бўлиб ўзига хос равишда хисобот бериб турганлар. Афтидан, бунда вазирликлар тегишли кўрсатмалар олиб турган бўлишлари керак. Сархад ва бошка тобе мамлакатлар бошкаруви билан боглик яна уч вазирлик хам девонбегига хисобот берганлар.

Даргохдаги мухим вазифалардан бири бу — арзбегидир. Унинг хизмати даргохга арз-дод, шикоят билан келганлар хамда мамлакатда содир бўлаётган вокеаларга ўз

муносабатини билдирувчиларни кабул килишни уюштириб, тушган арзлар, шикоятлар, таклифларни олий хукмдорга етказиб туриш га масъулликдан иборат эди. Бундан ташкари даргохда адолат амири лавозими мав-жуд бўлиб, у турли ўлка ва шахарларда «сипох ва раиййат орасида урф-одатларга оид жанжалли ишлар хакида» бохабар бўлиб, олий хукмдорга хисобот ва маълумот ет-казиб турган. Демак, жойлардаги ахволдан бохабар бўлиб туришнинг икки йўлидан фойдаланилган: бири пастдан юкорига, яъни арзчилар тўгридан-тўгри даргох-га мурожаат килиш имконига эга бўлганлар, иккинчиси — махсус хизмат оркали жойлардаги вазият давлат томонидан, аникроги, олий хукмдор даргохи оркали текширилиб борилган. Мана шу икки йўл билан жойларда рўй бераётган адолатсизлик, таргибсизлик, давлат ва жамият манфаатига зид ишлар хакида рўй-рост маълумот олингач, сўнг махсус вакиллар — аминлар (яъни ишончли вакиллар) жойларга бориб вокеани ўрганиб тегишли чоралар кўрганлар. Чунончи, бирон кишига нисбатан зулм, адолатсизлик килинган бўлинса, адолатни тиклаб ўша ер махаллий хазинасидан уларга тўлов ажратиб кайтганлар. Аминлар ўзлари тафтиш килган ишлари, кўрилган чоралар хакида кейин ёзма хисобот берганлар. Аминлар вазифасига бундан ташкари тобе ерлар тўловини йигиб келиш хам кирган.

Даргохдаги мухим лавозимлардан яна бири бу — тавочидир. Тавочи олий фармонга кўра жойларга бориб харбий юриш учун лашкар тўплаш билан шугулланган. Бу вазифа гоятда мухим ахамият касб этгани учун Шарафиддин Али Яздий муболага билан уни олий хукмдордан кейинги юкори даражадаги давлат мансаби деб бахолайди. Албатта, бундай таърифда хам жон бор. Зеро, лашкар тўплашни курук фармон етказиш деб тушунмаслик керак. Маълумки, тобе ўлкалар, хукмрон сулола вакиллари, нуфузли амирларга таксим килиб берилган юртлар олий кўрсатма бўлганда тегишли хар-бий куч билан хизматга шай туришлари кўзда тутилган. Тавочилар эса худди мана шу аввал бошдан белгиланган лашкар сонининг тахт бўлиши, тайёргарлик даражаси, таъминоти кўнгилдагидек талабга жавоб бериши, кўрсатилган жойга муайян йўл билан ўз вактида етиб бориши каби гоятда масъулиятли тадбирларга жавобгар бўлганлар. Мазкур муаллифнинг гувохлик беришича, тавочилар бош тавочи, пиёда аскар тавочиси кабиларга таксимланган. Бош тавочилар туманот (ўн минглик), хазоражот (минглик), садажот (юзлик) етакчиларидан! вилоят катталаридан кўшинни ўз вактида, белгиланган сон ва сифат, таъминланганликда етказиб бериш тўгрисида тилхат олганлар. Шу билан бирга тавочи харбий юриш чогида кўшинларнинг жойлашуви, берилган буйрукларнинг ижро этилиши (масалан, душман истех- комлари девори остидан лахм кавлаш) хамда тинчлик пайтларида катга курилишларда иш таксимлаш кабилар билан хам шугулланган. Чунончи, Байлакон каналини казишда 35—40 км масофани хар бир харбий кисмга таксимлаб беришга тавочилар бош бўлган.

Даргохда шунингдек бош хожиб, хожиблар, расмий тадбирлар бошкарувчиси ва ташкилотчилари, хазинадор, хонсолар (даргохда ва олий фармон билан бошка ерларда, масалан, юришларда ўтказиладиган тўй, базмлар, катта зиёфатларда дастурхон тузатишга бош-кош бўлувчи), жибочи (курол-аслаха сакловчи), кушчи (подшохона овлар

уюштирилганда махсус ўргатилган ов кушларини олиб юрувчи ва парвариш килувчи) ва мана шу хизматни бошкарувчи кушбеги, баковулбоши (сарой ошпазларининг бошлиги), котиблар, битикчилар, табиблар, созандалар, газалхонлар, фаррошлар каби катта-кичик вазифалар, таблхона (ногорахона), дорихона каби хизматлар бўлгани маълум.

Ижроия тизими, юкорида айтилганидек, марказда вазирликлар фаолиятида мужассамлашган. Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, чингизийларнинг 150 йил хукмронлиги даврида махаллий бошкарув тизими анъаналари поймол килинган бир шароитда Амир Темур биз сомонийлар, корахонийлар, газнавийлар, салжукийлар, ануштегинийлар замонида шохиди бўлганимиз, ижроия хокимиятининг вазирликлар тизимини кайтадан жонлантира олди. Амир Темурнинг ўзбек давлатчилиги олдида килган катта хизматларидан бири хам шунда. Яъни у бир неча асрлар давомида шаклланиб келган давлатчилигимиз ижроия тизимидаги бошкарувнинг классик шаклларини тиклай олди. Бу нихоятда кадрли ва тарихий хизматдир.

Энди тўгридан-тўгри вазирликларга ўтсак.

**Биринчиси — мамлакат ва раиййат вазири.** У мамлакатнинг мухим ишлари, кундалик муомалалар, халк ахволи, вилоятларда олинадиган хосил, соликлар, уларни таксимлаш, кирим-чикимлар, ободончилик ишла-ри, ахоли фаровонлиги, хазина ахволи каби мухим юмушларга жавобгар бўлган. Мазкур масалалар юзаси- дан олий хукмдорга тегишли маълумот ва хисоботлар бериб турган. Агар мазкур вазирлик вазифасини олдинги давр ижроия тизими билан таккосласак, у холда сўз бу ерда бош вазир хакида кетаётгани маълум бўлади.

**Иккинчиси — харбий вазир.** У харбийларнинг маоши, алохида хизматлари учун уларга тухфа килинган ер-сувлар бошкаруви (яъни назорат ва кайд этиш маъносида), курол-аслаха таъминоти, харбий кўрикларни тайёрлаш, жангларда ярадор бўлиб хизматга яроксиз бўлганларга нафака тайинлаш, истеъфога чиккан харбийлар тўгрисида кайгуриш каби масалалар билан машгул бўлган.

**Учинчиси — мулкчилик ва солик ишлари вазири.** Бу вазирлик турли сабабларга кўра эгасиз колган мол- мул кларни назоратга олиш, савдогарлардан закот ва бож олиш, мамлакат чорвалари, ўтлок-яйловларни бошкариш, уларнинг барчасидан тушадиган даромадларни саклаш, мулкчиликдаги меросхўрлик тартибларини амалга ошириш (масалан, гойиб бўлганлар, ўлганларнинг мулкини ворисга топшириш) каби вазифаларни

бажарган.

**Тўртинчиси — бутун салтанат ндораларининг кирим- чикимлари, хазинадан сарф килинаётган барча харажатлар хисобини олиб борувчи молия вазири.**

«Темур тузуклари»да молия вазири масъулиятига тегишли диккатга сазовар бир тузук бор: «Молия вазирлари молия ишларида хиёнат килиб (хазинадан бирон маблагни) ўзлаштириб олган бўлсалар (аввал текшириб кўрилсин). Агар ўзлаштириб олган маблаги ўзига тегишли улуфа (яъни маош — *А. З.)* микдорига тенг бўлса, мазкур маблаг унга совга — инъом ўрнида берил- син. Агар ўзлаштириб олган маблаги маошидан икки баравар ортик бўлса, ортиги оладиган маошидан ушлаб колинсин. Агар маошидан уч баравар кўп маблаг олинган бўлса, хаммаси (салтанат хазинасига) тортик сифатида олинсин».

«Темур тузуклари»да мазкур тўрт вазирликдан ташкари яна **уч вазир** хакида сўз кетиб, улар салтанат таркибидаги турли ўлка ва мамлакатларга оид молиявий муомалалар ва келадиган даромадларни бошкарганлар. Агар салтанат худуди ва унга кирган сархадлар кўлами назарга олинса, хакикатан хам у ерлар билан боглик молия-даромад ишларини ташкил килиш учун уч вазирлик таъсис этилишини асосли деса бўлади.

**Саккизинчи вазирлик бу адлия вазирлигидир (девони мазолим).** Кези келганда шуни алохида кайд этмок керакки, бу вактда адлия, яъни суд тизими учга бўлинган эди. Адлия вазирлиги тўгридан-тўгри фукаролар ё, манба тили билан айтганда, дунёвий ишлар билан шугулланган. Харбий суд (лашкар козиси) эса алохида равишда фаолият кўрсатган. Шариат тартиблари билан эса ислом козиси шугулланган. Кўриб турганимиздек, бу сохада хам Амир Темур даврида илгариги анъаналар давом эттирилган. Суд тизимидаги таксимот эса бизларда бир неча асрлар мукадцам амалга ошиб келганини мазкур давр мисолида хам мушохада килса бўлади. Конун, ўша замон тартиблари олдида жавобгарлик барчага баробар бўлган. Масалан, Амир Темурнинг набираси Пир Мухаммад ибн Умаршайх ўз килмиши учун девони мазолимда каттик сўрок килиниб, айби аниклангач, шунга яраша жазо берилгани ва бу хакда шахсан Амир Темурнинг ўзи фармон бергани тарихий манбаларда ўз аксини топган.

Илгариги сулолалар даврида мавжуд бўлган вакф ишлари вазирлиги хизмати Амир Темур даврида садрлар садрига (садрлар бошлиги) юклатилган. Гарчи вазирлик тизими маьносида тилга олинмаса-да, аммо мазкур хизмат мохияти сакланиб колган. Бошкача

бўлиши хам мумкин эмасди, чунки вакф мулкчилиги сакланганди.

Шунга ўхшаш ўтган замонларда таъкидланган хабар ва почта вазирлиги шаклан тилга олинмаса-да, аммо мазмунан бу вактда ўзининг энг юксак равнак даражасига кўтарилганди, десак тўгри бўлади. Зеро, улкан салтанатни максадга мувофик равишда бошкариб боришда унинг турли бурчакларида содир бўлаётганлардан бохабар бўлиш, марказдан буйрук, фармон, кўрсатмалар жўнатиш, марказга турли хужжат, хисобот ва хоказоларни етказиш, ташки сиёсий-дипломатик муносабатларни пухта ва тезкор равишда йўлга кўйиш каби юмушларни катга салохият ва гайрат билан амалга оширишга тўгри келарди.

Уз ўрнида бу борадаги тадбирлардан савдо-сотик муносабатлари нечоглик ютишини тасаввур килиш мум-кин. Гапнинг кискаси, хабар ва почта хизмати ахамиятини аввал бошданок яхши тушунган Амир Темур ўзи-нинг дастлабки фармонларидан бирида уни йўлга кўйиш хакида кўрсатма берган. Уша замон гувохларидан бири Испания элчиси Клавихонинг ёзишича, бутун сал-танат узра бир кунлик йўл оралигидаги хар бир масканда тўхташ жойлари бино этилган бўлиб, уларда 10 тадан 200 тагача от-улов сакланган, махсус хизматчилар фаолият кўрсатган. Бу юмушларнинг бари давлат хазинасидан таъминланган. Даргохдан ё даргох томон жойлардан, хизмат юзасидан йўлга чиккан хар бир шахс ё гурух маз-кур жойларда тўхтаб дам олиб, отларни алмаштириб яна йўлда давом этаверган. Хайратга соларлик томони шундаки, улкан салтанатнинг хар бир бурчагидан Самар-канд томон йўналувчи йўлда шу тартиб жорий килинган. Улар хатто ахоли турмайдиган ерларда хам ишлаб турган. Чунончи, испаниялик элчилар Табриздан (хозирги Эроннинг шимоли-гарбидан) Самаркандгача бўлган сафар чогида бундай тартибни ўз кўзлари билан кўрганлар. Тартиб гоятда катьий бўлган. Масалан, мазкур хизматдан фойдаланаётганлар минган от йўлда, тўхташ жойлардан йирокда яроксиз бўлиб колса, йўлда учраган отликнинг, ким бўлишидан катьи назар, амирми, харбийми, хатто олий хукмдорнинг ўглими, отини олиб миниб кетишга хакли бўлган. Бир сафар шундай холатда Амир Темурнинг катта ўглининг отидан фойдаланган эканлар. Бу борадаги тартиб ва ахвол хусусида янада аникрок маълумотни Хофиз Абру колдирган. Унга кўра, Самарканддан кайси бир томонга йўлга чикилмасин бир ой ё икки ой йўл юриладими, хеч ким хеч качон кўчада колмаган. Тўхташ жойлари бир йўла хатто 1000 кишини кабул килиши мумкин бўлган.

Амир Темур ва умуман темурийлар даврида ташки сиёсий-дипломатик алокалар изчил равишда олиб борилганини биламиз. Атбатга, бунда тегишли давлат муассасаларининг роли бўлгани табиий. Бундан ташкари аср бошларида биз ташки алокалар, ёзишмалар буйича ижроия ташкилотлари ишлаб келганини кўрдик. Клавихонинг Самаркандда элчилар билан шугулланувчи махсус амирлар хизмат килгани, элчиларни кутиб олиш, кузатиш билан боглик тадбирларни уюштиришга оид гувохликларини инобатга олиб

хулоса килиш мумкинки, ташки алокалар, элчилар, халкаро ёзишмалар билан шугулланувчи хизмат бўлган. Афтидан, бу хизмат ижроия тизимида эмас, даргох таркибида фаолият кўрсатган.

Хох даргох, хох ижроия тизими бўлсин, давлат хизматлари кандай пухта ва аник ишлаганини Клавихонинг куйидаги гувохлигидан билиб олиш мумкин. Хар бир маслахатчи, яъни йирик амалдор ўз битикчиси ва кайд дафтарига эга экан. Битикчилар ўз бошликлари кўрсатмасига мувофиктурли хужжатлар, масалан, ёрликлар ёзиб тайёрларканлар, албатта, бу хакца кэйд дафтарига ёзиб ёрликка тегишли белги (ракам) кўйганлар. Кейин эса ёрлик йўрикчига топширилиб, у унга мухр босган ва мазкур масалага дахлдор хизматларга юборган. Хуллас, хужжат яна 3—4 амалдор назоратидан ўтиб уларнинг мухрлари босилгандан кейингина олий хукмдор мухри урилган. Шундан сўнг бу хужжат конун кучини олган.

Икки огиз сўз давлат хизматчилари хакида. Доим бўлганидек давлат хизматига олинадиганларга катта талаблар кўиилган: улар ўкимишли, кенг билимли ва дунёкарашли, халол бўлишлари керак эди. Бу борада Амир Темур ўз «Тузуклар»ида шундай ёзади: «Амр килдимки, вазирлар тоза насллик, акл-фаросатлик, халк ахволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалалик, сабр-чидамлик ва тинчликсевар» бўлмоги керак. Бундайларга тўрт имтиёз: ишонч, эътибор, ихтиёр ва иктидор берилсин. Кайси вазир гийбат гапларни айтса, уйдирма гапларга кулок солса, жабр-зулм килса, ўзига ёкмаган кишиларни йўкотиш пайига тушса, наслию зоти ёмон, хасадчи, кина-кек сакловчи, кора кўнгилли кишиларга зинхор вазирлик лавозими берилмасин. Бузучи, кора кўнгилли, зоти паст одам вазирлик килса, давлату салтанат тез орада кулайди».

Махаллий бошкарув хакида сўз кетса, аввал шуни кайд этиш керакки, салтанатнинг одатда хукмрон сулола намояндалари ва шу хонадон таянчи бўлмиш харбий-сиёсий кучлар ёрдамида идора этилишини кўп бора кўрдик. Темурийлар даври хам бундан мустасно эмасди. Табиий равишда Амир Темур салтанатни бошкаришда, энг аввало, ўз ўгиллари ва авлодларига суянди. Чунончи, у салтанатни бир канча улусларга таксимлаб, Мовароуннахр яхлитлигини саклаган ходда бошкарди. Хар бир улуснинг хам ўзига яраша даргохи ва вазирлари бўлган. Аммо марказий бошкарув тизимидаги каби кенг тармокпи бўлмай, муайян худуд доирасида олий даргох ва ижроия тизими олдида жавобгарлик холатида фаолият кўрсатган.

Алохида кўрсатган хизматлари учун йирик амалдорлар, харбийлар, дин пешволари хазда бўйсундирилган собик хукмдорларга шахсий хизмати ва шароитга муносиб равишда бирон худуд (вилоят, шахар, туман) тортик (суйургол) килинган. Масалан, Амир Темур ўз

пири саййид Баракага Андхудни тортик килгани маъ-лум. Ана шундай холларда, «Тузуклар»да ёзилишича, хар бир суйургол килинган вилоят ё мамлакатга иккитадан вазир тайинланган. Биринчиси — йигиладиган соликларни кайд этиб, ахоли ахволидан бохабар бўлиб туриш, иккинчиси эса йигиладиган даромадлар кай тарзда харж килинаётганини хисобга олиш, шу ерда мавжуд харбий кисмларга бериладиган маош таксимоти билан шугулланиш кабилар билан банд бўлган. Фараз килиш мумкинки, мазкур вазирлар оркали марказ жойлардаги молиявий, солик, ижтимоий холат масалалари бўйича тўгридан- тўгри маълумот олиб турган. Афтидан, бу вазирлар юкорида тилга олинган марказий ижроия тизимидаги сархадлар бўйича уч вазирлик назорати ва хамкорлигида фаолият кўрсатган. Суйургол ерларга махсус вазирларни тайинлашнинг амалий томони бўлгани шубхасиз. Зеро, суйургол эгалари ўзларига тор-тик килинган жойлардаги ахолидан олинадиган давлат соликларини тўлалигича ё маълум бир улушини ўзла-рига олишлари назарда тутилган. Бу борада меъёрдан чикиш, ахоли норозилигига сабаб бўлувчи ишларга кўл уриш умуман салтанат кудратига путур етказиши тур-ган гап эди. Шунинг учун хам марказ жойларда ўз вакилларига эга бўлгани табиий.

Шахар, туман микёсидаги бошликиар доруга, калъа бошлиги кутвол дейилганини эслатиб ўтиш жоиз.

Энди кўрилаётган даврда конунчилик, жамият ва давлат бошкарувидаги конун ва тартиблар хакида тўхталиб ўтсак. Темурийлар, хусусан, Амир Темур даври конунчилигини ёритишда унинг «Тузуклар»и гоятда кўл келади. «Бу тузуклардан, — деб ёзади муаллиф, — (келажакда) салтанат ишларини бошкаришда кўлланма сифатида фойдалангай»лар»[3]. Демак, «Тузуклар»ни ёзишдан максад жамият ва давлат бошкарувида зарур хисобланган конун-коидалар, яъни тузуклар мажмуини яратиш бўлган. Агар ундаги баъзи бир кайтаришлар, шахсий мулохазалар ва «лирик кечинмалар»ни олиб ташласак, ихтиёримизда ўша даврнинг асосий конунлари (конунчилиги) мажмуи гавдаланиши турган гап.

Умуман давлатчиликнинг ўрта асрларга хос, хусу-сан, ўзбек давлатчилиги тарихида давлат тепасида тур-ган биринчи шахсга жуда кўп нарса боглик бўлганини биламиз. Хар бир жамият ўзига муносиб ё ўзи муносиб бўлган хукмдорга эга бўлади, хикмати хам худци ўша замонлардан колган ва ўша замон вокелигини акс эттиргани шубхасиз. Шу маънода Амир Темур даври конунчилиги нафакаг унинг шахсияти, балки ўша жа-мият дунёкараши, одатлари, талаб ва имкониятлари кабилар билан боглик бўлгани аник. Юкорида биз ало-хида гаъкидлаган давлатчилигимиз асосларига Амир Темур томонидан сингдирилган тўккизинчи асос — барча ижтимоий табакалар фаолияти ва манфаатларини назарда тутиш ўша замон конунчилигининг бош бўгинини ташкил этган. Амир Темурнинг куйидаги сўзларига эътибор берайлик: «Давлат устунлари ўн икки

табака ва тоифадаги кишилар билан кувватланади». Агар кайтаришларни истисно этсак, бу табака ва тоифа куйидагилардир: сиёсатчилар, дин пешволари, харбийлар, амалдорлар, зиёлилар, савдогарлар, хунармандлар, дехконлар, чорвадорлар. Кўриниб турганидек, бу ерда барча ижтимоий табакалар мужассамлашган. Гап «хукмрон синф» ё бирон-бир алохида табака устида эмас, бутун жамият аъзолари ва улар тегишли бўлган тоифалар устида кетмокда. Мазмун эътибори билан Амир Темур мазкур 12 табакага муносабатидан сўнг куйидагиларни ёзади: «Давлат ишларини салтанат конун коидаларига... тўро-тузукка таяниб... амирлар, вазирлар, сипох, раиййат — хар бирини ўз лавозимига ва мартабасига» караб бошкардим. Гарчи бир караганда хакикатан хам Амир Темур бошкаргандек туюлса-да ва бунда хакикат бор, аммо шу билан бирга аслида жамият ва салтанат шариат ва тўро-тузуклар, яъни ўз даври конунчилиги асосида бошкарилган.

Шариат деганда ўша замонларда мусулмон жамиятидаги муайян бир ахлокий-хукукий нормалар англанмоги керак. Зеро, «тўгри йўл» мазмунини берувчи шариат (Аш-шариа) асосида Куръон ва сунна ётса-да, лекин у аслида фикх (хукук ва юриспруденция) учун умумий мафкуравий, диний-ахлокий манба бўлиб хизмат кил-ган. Демак, хулоса килиш мумкинки, жамият хаётининг турли сохаларини бошкаришда кадимдан жорий бўлиб келган конунчилик (тузукчилик) ва мусулмон конунчилиги (фикх) имкониятларидан хам фойдаланилган.

Албатта, бу ерда ўрта асрларга хос ва мос якка хукмронлик бошкарув тизимида олий хукмдорнинг ўрнини хам эсдан чикармаслик керак. Зеро, унинг хар бир фармойиши амалда конун кучини олган. Шу маънода «Тузуклар»да келтирилган «Ахолини йўл-йўрикка солиш ва маош тайинлаш», «Раиййатдан мол-хирож олиш, мамлакатни тартибга келтириш ва кжсалтириш, унинг ободончилиги, хавфсиалигини амалга ошириш», «Сипох саклаб туриш», «Вазир тутиш» каби катор тузуклар тахлили эътиборга моликдир. Уларда хар бир алохида ижтимоий йўналишда доим содир бўлиб турадиган жараёнлар учун хукукий меъёрлар ўз аксини топган. Масалан, уруш пайтларида мингбошининг хукми юзбошига, юзбоши хукмининг эса ўнбошига мажбурийлиги ва бу тартиб бузилса тегишли жазо берилиши ё бўлмаса оддий аскар, ўнбоши, юзбоши, мингбошига бериладиган маошлардаги чегаралар, фаркларни оласизми, кўйингчи, хар бир тузукда муайян бир вокеликдаги фаолиятга адолат мезонидан туриб муносабатда бўлиш кўзга ташланиб туради. Демак, Амир Темур ўз тузукларини ишлаб чикиб хаётга татбик киларкан, энг аввало, бир нарсани — жамиятда мавжуд ижтимоий-иктисодий муносабатларни конуний асосга кўйишни мўлжал килган. Бунда олий хукмдор — давлат рахбари олдида турган масъулиятни хам унутмаган. Унингча, давлат рахбари бир сўзли, ўз ишини ўзи билиб килиши, ўзи ва атрофидагиларга адолатли бўлиши, холис, катьийлик билан иш юритиши, фикрлар хилма-хиллигидан чўчимаслиги, кизиккон бўлмаслиги, мулохаза билан иш юритиши лозим.

Талаблар нафакат фукаро ё, кўрганимиздагидек, хукмдорга нисбатан, балки хокимият идоралари олдига хам кўйилгани маълум. «Агар, — дейилади «Тузуклар»- да,— (хароб бўлиб ётган ерларнинг) эгаси бўлса-ю, (лекин) обод килишга курби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод килиб олеин». Кўриниб турганидек, фукародан бир нарсани талаб килишдан олдин давлат унга тегишли шарт-шароит яратиб бермоги лозимлиги конунлаштирилган. Бу борада янада чукурлашиб борилиб куйидаги хукукий меъёр юзага келган: «Кимки, бирон сахрони обод килса, ёки кориз курса, ё бирон боғ кўкартирса, ёки бирон-бир хароб бўлиб ётган ерни обод килса, биринчи йили ундан хеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раиййат ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса (олик-солик) конун-коидасига мувофик хирож йиғилсин». Фукаролар хаёти ва фаолиятини адолатли, уларнинг манфаатига мос тарзда ташкил этишда бу билан хам чекланилмаганлигини Амир Те-мурнинг куйидаги фармонидан билиб олиш мумкин: «Хирожни экиндан олинган хосилга ва ернинг унумдорлигига» ва бошка шарт-шароитларга караб олсин-лар. Мазкур мисоллар ўзбек давлатчилиги ва конунчилигининг Амир Темур давридаги мазмунини тўла ра-вишда намоён кила олади, десак хато бўлмайди. Конунчиликда биринчи ўринда фукаро манфаати турган. «Негаки, — дейилади «Тузуклар»да, — раиййат хонавайрон килинса, (давлат) хазинаси камбагаллашишига олиб келади... (бу эса ўз ўрнида) салтанатнинг кучсизланишига олиб боради». Бу хамма замонлар учун хак гап. Зеро, иктисодий кудратга эга бўлмаган давлат доим заиф бўлади. Икгисодий кудратни эса халк (раиййат) яратади. Бунда адолатли конун роли бекиёсдир. Амир Темур дахосининг кирраларидан бири хам унинг маз-кур абадий хакикатни англай билганлиги ва амалда намоён кила олганлиги билан ўлчанади.

Икки оғиз харбий сиёсат хакида. Амир Темурнинг мазкур масала бобидаги дунёкарашини унинг куйидаги сўзлари оркали билиб олиш мумкин: «Давлат ишларининг тўккиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, колган бир улуши эса килич билан бажо келтирилишини англадим». Демак, сиёсат ва бошкарувда Амир Темур киличга, яъни зўрликка факат бир улушгина эъгибор ажратяпти. Унинг байроги эса доимо сиёсат ва тадбир бўлиб келган. Шу билан бирга тарих Амир Темурни энг буюк саркардалардан деб билади. Бу хакикатан хам шундай. Аммо бизнинг фикримизча, Амир Темурнинг харбий санъат борасидаги буюклиги унинг энг асосий фазилати — буюк давлат арбоблигининг бир киррасини ташкил этган, холос. Зеро, унинг харбий сиёсати бош максад — кудратли давлат ва салтанат барпо этиш ишига хизмат килган. Масаланинг бу томонига алохида урғу беришимизнинг сабаби бор. Чунки шу чоккача ва баъзан хозирда хам Амир Темурнинг фаолияти хакида сўз кетганда унинг харбий саркарда, лашкарбошилигига кўпрок эътибор берилиб, унда у кўлга киритган харбий ютуклар хакида сўз кетган. Бу билан унинг умри факат урушларда ўтгандай бўлиб колади. Вахоланки, Шомий, Яздий, Натанзий, Хофиз Абру ва бошка тарихчилар асарларининг тахлили шуни кўрсатмокдаки, Амир Темур харбий тадбирлар билан тўгридан-тўгри ўрта хисобда йилда бир неча ойгина банд бўлган. Колган вакг давлат ва салтанат ишларига багишланган. Аслида эса, таъкидланганидек, харбий сиёсат унинг бош максадининг амалдаги таркибий кисми эди, холос. Шу билан бирга катта истеъдод эгаси сифатида мазкур сохада хам Амир Темур бошкалардан ажралиб турган.

Бунинг исботини биз «Тузуклар»нинг мазкур масалага оид боблари билан танишиш борасида яккол кўри- шимиз мумкин. Амир Темур лашкарида хар бир аскар, хар бир кисм фаолияти, яъни маоши, харбий аслахалар билан таъминоти, хизмат пиллапояларидан кўтарилиб бориши, навкар билан унинг беги ўртасида хизмат муо- маласи, уруш пайтларидаш харбий тактика каби барча масала ва тадбирлар олдиндан ўйланиб, муайян бир тартибга солинган эди. Бир сўз билан айтганда, Амир Темур лашкарида катъий хизмат ва ташкилий интизом ўрнатилган, ким нима билан шугулланиши, нимага жавоб бериши аник кўрсатиб кўйилган. Хатго икир-чикир масалалар хам олдиндан кўрсатилиб ўгилган. Масалан, оддий аскарнинг харбий юришга тайёргарлигидаги талабларни олайлик. «Юриш вактида оддий аскарлардан хар ўн саккиз киши ўзи билан бирга бир чодир, хар бир аскар икки от, бир камон, бир садок ўкдон, бир килич, арра, бигиз, битта коп, жуволдуз, болта, ўнта игна ва чарм халта олеин», дейилган «Тузуклар»да. Худди шунга ўхшаш баходирлар, ўнбошилар, юзбошилар, мингбошилар, амирлар учун зарур хисобланган курол-аслахалар тафеилоти хам берилган. «Тузуклар»да амирлар, мингбошилар, юзбошилар, ўн бошилар ва бошка харбийларга маош белгилаш тартиби хам аник кўрсатилганини эсласак, шу нарса маълум бўладики, Амир Темур бўлажак харбий тадбирларга, энг аввало, тинчлик шароитида, лашкарни хар жихатдан таъминлаш, у тўгрида кайгуриш оркали тайёргарлигини кўриб кўйган. Бир сўз билан айтганда, унинг лашкардан, лашкарнинг эса ундан кўнгли тўк бўлган холда жангларга киришилган. Амир Темур Жанг суратини хам олдиндан режалаштириб кўйгани маълум. Чунончи, у жорий килган тартибга кўра, агар ганим лашкари ўн икки мингдан ортик, лекин кирк мингга етмаса, лашкарбошилик шахзодалардан бирига юклатилган. Агар ганим кўшини кирк мингдан ошик бўлса, у холда Сохибкироннинг ўзи лашкарга бошчилик килган.

Тарихий манбаларда Амир Темурнинг шахсан ўзи яккама-якка олишувлардан тоймаганлиги хакида хам маълумотлар бор. Чунончи, 1379 йили Урганч камал килинаётган бир пайтда у Юсуф Сўфийга юзма-юз чикишга отланади, аммо ракиби олишувга чикмайди. Худди шунга ўхшаш хол 1383 йили Сейистон юришида бўлиб ўтган. Хуллас, Амир Темурнинг мардлиги ва шахсий намунаси лашкар рухини кўтаришда катта ахамият касб этгани шубхасиз.

Шароитга караб Амир Темур лашкарнинг саф тортиши, жангга кириш тартибини ўзгартириб турган. 1391 йили Тўхтамишхонга карши жангда илгари хеч кимга маълум бўлмаган янги харбий тактикани кўллаган. Амир Темур тарихчиларидан Шомийнинг ёзишича, «Сохибкирон лашкарини сафлаб етти кисмга шундайин мукаррар этдики, унинг васфи ва баёнига киши ожизлик килади». Мазкур гувохликдан чикадиган хулоса шуки, бу гоятда мураккаб ва камёб харбий тактика бўлган.

Амир Темур харбий юришларни нихоятда пухталик ва ортикча шов-шувсиз тайёрлашга харакат килган. Шунинг учун хам унинг кўшинлари ганим учун кутилмаган вакт ва ерда пайдо бўлиб, кўккисдан хамла килиб колиши хеч гап эмасди. Сохибкироннинг хар бир йирик харбий юришдан олдин кенгаш ўтказиши одат тусига кирган. Кенгашда у барча йигилганларнинг фикрини тинглаб, мазкур шароитда энг макбул йўлни танлашга харакат килган.

Ибн Арабшохнинг гувохлик беришича, Амир Темур даврида ташки разведка фаолияти нихоятда юксак даражада йўлга кўйилган. Мазкур хизмат вакиллари чаканафуруш, йирик савдогар, полвон, дорбоз, хунарманд, мунажжим, каландар, дарвиш, денгизчи, сайёх, мешкобчи, этикдўз, толиб никоби остида турли мамлакатларда бўлиб, у ерлардаги шахарлар, кишлоклар, йўллар, тогу тошлар, сувлар, хар бир жойнинг ахолиси, бошликтари, улуглари, амирлари, фозиллари, шарифлари, бойу камбагаллари тўгрисида хар томонлама батафсил маълумотлар йигиб, хагго суратлари билан Самаркандга юбориб турганлар. Бу билан хам чекланмай, Амир Темур харбий, сиёсий муносабатларга киришаётган мамлакатлар тарихи, урф-одатларига оид асарларни синчиклаб ўрганган.

Демак, Амир Темур харбий сиёсати, энг аввало, давлатни мустахкамлаш, хавфдан саклашга йўналтирилган бўлиб, бу сиёсатни пухта йўлга кўйишда Сохибкирон масаланинг иктисодий, техникавий, илмий (мамлакатлар, шахарлар, йўллар, халклар, душман лашкарлари, табиий-иклим шароитларини ўрганиш ва хоказо), ташкилий томонларига катта эътибор билан караган. Худци шу йўл уни харбий санъат борасида юксакликка олиб чиккан.

Шундай килиб, биз Амир Темур даври давлат бошкаруви, конунчилиги, харбий санъат масалаларига оид мулохазаларни билдирдик. Мазкур сохаларда олиб борилган харакатлар бир максадга: давлатни кудратли ва жамиятни иктидорли этишга каратилганини ёдда тутиш биз учун гоятда мухимдир.

**Азмат Зиёнинг “Ўзбек давлатчилиги тарихи” китобидан**